

## **“UzAuto Motors Powertrain” акциядорлик жамиятининг Комплаенс хизмати вазифалари**

### **Комплаенснинг асосий вазифа ва функциялари**

Комплаенснинг асосий вазифалари жамиятдаги:

- Кадрлар сиёсати;
- Комплаенсга оид талаблар;
- Бизнес ва ишлаб чиқаришни рақамлаштириш;
- Молия ва иқтисодий соҳа;
- Харид тизими;
- Таъминот тизими (Supply chain);
- Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифати (SQE);
- Маҳаллийлаштириш даражаси;
- Маркетинг, савдо ва сервис соҳаси;
- Қўриқлаш соҳаси фаолиятига доир профилактик тадбирлар, мониторинг ва текширишлар амалга оширишдан иборат.

Комплаенс ўзига юклатилган вазифаларига мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

#### ***Кадрлар сиёсатини мониторинг қилишида:***

- жамиятга ишга қабул қилишда мансабдор шахслар, кадрлар бўлими ва бошқалар томонидан коррупцион ҳолатларга йўл қўймаслик, шунингдек меҳнат қонунчилиги, ички меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилинаётганлигини ўрганиб, натижалари юзасидан талаб ва таклиф киритиш;
- раҳбарлик ва кенг ҳажмли лавозимларга тайинланаётган ходимларни манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги, комплаенсга оид талаблар бўйича тегишли ички ва ташқи манбаалар асосида ўрганиб, натижалари юзасидан таклиф киритиш;
- раҳбар ҳодимлар орасида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш учун сўровнома ўтказиш, натижаларини таҳлил қилиб, таклифлар киритиш;
- ходимлар ўртасида ишчи муҳит ва ижтимоий фикрни ўрганиш мақсадида сўровномалар ўтказиш, натижаси бўйича зиддиятларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар бериш ва бош директорга ахборот бериш;
- жамиятда иш фаолияти давомида қонунбузишларга йўл қўйган, комплаенсга оид низом ва ички хужжатларни бузган ва бошқа салбий ҳолатлар туфайли ишдан бўшатилган ходимлар рўйҳатини («Black list») шакллантиришни ташкил қилиш ҳамда мунтазам таҳлил қилиб бориш;
- ишчи ходимларга берилган рағбатлантириш ҳамда қўлланилган интизомий жазо чораларини қонунийлиги ва асослилигини ўрганиб бориш;

- жамият ходимлари томонидан хизмат (тижорат, ишлаб чиқариш, иқтисодий) сирини сақлаш билан боғлиқ қоидаларга риоя қилинаётганлигини ўрганиб бориш.

***Комплаенсга оид талабарини ижро этилиши юзасидан Комплаенс хизмати:***

- халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикасининг коррупция ва пораҳўрликка қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган комплаенс назорат дастурини тадбиқ этиш ва риоя қилинишини назорат қилиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш;

- жамият барча ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини вижданан бажаришлари ва бошқа ходимларга, мижозларга (ташриф буюрувчиларга), бизнес шерикларга (контрагентларга), етказиб берувчиларга нисбатан одобахлоқ қоидаларига риоя қилишлари устидан доимий ўрганиш;

- комплаенс назорати дастурини тартибга солиш мақсадида жамият учун низом ва тартибларни ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ қилиш;

- амалдаги коррупцияга қарши курашиш, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, иқтисодий санкциялар билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлар (шу билан бирга, экспорт ва импорт назорати, савдо эмбаргоси ва ҳоказоларга тегишли амалдаги ҳужжатлар билан чекланмаган ҳолда) ва бошқа қўлланиладиган юридик тусдаги ҳужжатлар (шу жумладан, ҳалқаро шериклар билан комплаенс дастури бўйича шартномавий мажбуриятлари)га риоя қилинишида қўмаклашиш;

- ходимлар учун комплаенс низом ва тартиблари бўйича ўкув семинарларини ўз ичига олган дастурларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш, шунингдек, комплаенс дастури бўйича мажбуриятлардан ҳабардорлигини доимий ўрганиб бориш;

- комплаенс дастури доирасида тизим фаолиятига таъсир қиладиган тегишли қонун ҳужжатларидағи ўзгаришларни кузатиб бориш, уларнинг жамият фаолиятига таъсир кўрсатишини таҳлил қилиб бориш;

- жамият раҳбарияти ва ходимларига комплаенс дастурининг қоидалари, жумладан, янги маҳсулотлар, ташабbusлар ва лойиҳалар бўйича маслаҳатлар бериш;

- жамият раҳбарлари билан биргаликда комплаенс маданиятини шакллантириш, ижобий тажрибаларни тарғиб қилиш;

- жамиятда контрагентларни танлаш жараёнида “Контрагентларни текширувдан ўтказиш” Тартибига (due diligence) риоя қилинишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатлари, локал ҳужжатлари бузилган тақдирда жамиятнинг контрагент билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида раҳбариятга таклиф киритиш;

- ходимлар ёки бошқа шахслар томонидан “ишенч телефони” орқали комплаенс дастурининг бузилиши тўғрисида келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш;
- комплаенс сиёсати ва тартиблари бузилган ҳолларда ички текширувлар ўтказиш ва натижаси бўйича хулоса тузиш;
- жамиятнинг ички меъёрий хужжатларида комплаенс дастури доирасида назарда тутилган бошқа функцияларни бажариш.

***Молия ва иқтисодий соҳаларидағи хавфларни олдини олишида:***

- молиявий ҳисботларни мувофиқлиигини ўрганиб бориш ва аниқланган хатоликларни олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш;
- 1-C, SAP ва бошқа – автоматлаштирилган ахборот дастурлари ва шу каби бошқа дастурларни тўла ва аниқ ишлаши устидан мониторинг қилиш;
- жамият ишлаб чиқариш, давр ва бошқа харажатларни ҳамда дебитор-кредитор қарздорликнинг шакланиши асослиигини ўрганиш;
- жамиятнинг пул маблағлари оқимини ва уларни харажатлар сметасига асосан мақсадли ва самарали сарфланиши мониторинг қилиш, асосиз ва самарасиз пул харажатларини олдини олиш;
- кредит ва бошқа молиявий хизматлардан фойдаланиш, шунингдек кредит ва қарзлар маблағларидан мақсадли фойдаланилишини ўрганиш;
- товар моддий бойликларни ҳаракати ҳамда уларни хатлашда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишларни мониторинг қилиш;
- штат жадвалларининг тўғри тузилиши, ишчи ва ходимларнинг иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни ҳисобининг тўғри юритилиши ва уларни ўз вақтида тўланишини мониторинг қилиш.

***Харидларни амалга ошириши жараёнида юзага келадиган хавфларни олдини олиш борасида:***

- харидларни амалга ошириш жараёнида амалдаги норматив ҳуқуқий хужжатлар ва жамият Регламентида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш;
- товарларни, ишларни, хизматларни харид қилиш жараёнини (кейинги матнларда харид қилиш деб юритилади) очиқлик ва шаффофлик асосида ўтказилиши, иштирокчиларнинг асосли мақбул вариандаги таклифларини кўриб чиқишида беғаразлик ва холислик мезонларига риоя этилишини ўрганиб бориш;
- харид жараёнидаги иштирокчининг шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; корхонанинг тарихи, қандай харид танловларида иштирок этганлиги ва шартнома мажбуриятларини бажаришдаги талабчанлиги; кредит мажбуриятлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги ўрганилганлигини ҳамда бизнес шериклардан иш фаолиятига алоқадор сўровларга тўлиқ олингандигини ўрганиш;

- танлов ва тендер савдолари бўйича комиссия ишида кузатувчи сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга;

- харид жараёнидаги иштирокчиларнинг ўзаро муносабатларини (маҳаллийчилик, қариндошчилик, дўстона яқинлик ва х.к) доимий таҳлил асосида ўрганиб, холисликни таъминлаш ва харид қилиш тартиб-таомили ғолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлишига йўл қўймаслик, манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда ушбу шахсларни бажариладиган вазифалардан четлаштириш бўйича бош директорга асослантирилган таклиф киритиш;

- харид жараёнида маълум бир иштирокчиларга бошқа иштирокчиларнинг манфаатига зид равишда имтиёзлар ёки преференциялар тақдим қилиниши ҳолатларини ўрганиш ва бундай ҳолатларни бартараф этиш бўйича чоралари юзасидан бош директорга таклифлар киритиш;

- ажратилган маблағлар ҳажмидан ортиқ миқдордаги харидларини амалга ошириш; аффилланган шахсларнинг харидларда қатнашишини олдини олиш; аффилланган шахслардан харидлар амалга оширилиши лозимлиги юзага келганда (бошқа етказиб берувчи бўлмаган тақдирда) кузатув кенгashi қарори ёки акциядорлар умумий йиғилиши билан уларни рўйхатини аниқлаш орқали харид тизимини ташкиллаштиришни ўрганиб бориш;

- харидни амалга оширишга масъул бўлган бўлим ва департаментлар томонидан амалга оширилган харидлар ягона реестрининг юритилишини мониторинг қилиш ва доимий равишда нархларни прогноз кўрсаткичларини (нархлар диаграммаси) таҳлилий базаси юритилишини ўрганиб бориш.

### ***Таъминот тизими (Supply chain) фаолиятинини мониторинг қилишида:***

- жамиятда ишлаб чиқариш режаларига нисбатан хом-ашё ва бутловчи қисмлар таъминоти тўғри йўлга қўйилганлигини ўрганиб бориш;

- хом-ашё ва бутловчи қисмлар буюртмалари ўз вақтида берилганлиги, буюртмаларнинг белгиланган муддатларда етиб келиши, етказиб берувчилардан олинган ТМБларни омборга сон ва сифат жиҳатдан тўғри кирим қилинганлиги юзасидан таҳлиллар ўтказиши;

- SAP, 1С ва бошқа ERP дастурларидан таъминот тизимиға оид кунлик, ҳафталик, ойлик ҳисоботларни ўрганиб, таъминот тизимида юзага келиши мумкин бўлган ҳавфларни мониторинг қилиб бориш, уларни бартараф қилиш бўйича тегишли департамент бошлиқларига тавсиявий кўрсатмалар бериш;

- мутахассислар иштирокида маҳсулот ишлаб чиқариш сарф меъёрлари тўғри тузилганлиги, тайёр маҳсулотнинг оғирлиги, ҳажми, сифати ва бошқа параметрлари тасдиқланган нормаларга мослигини танлов усулида ўрганиб бориш;

- соҳа мутахассислари, ишчи гурух, комиссия аъзолари, жамият корхоналарининг масъул ходимлари томонидан таъминот тизимида аниқланган муаммоларни бартараф қилиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси, йўл хариталари, лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали ижро этилишини доимий ўрганиб бориш;

-логистика хизматлари кўрсатилиши жараёнида транспорт хизмат кўрсатиш шартлари ва нархларининг асослилигини ўрганиб бориш;

### ***Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини оширилиши (SQE) мониторинг қилишида:***

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнида ҳом-ашёлардан оқилона фойдаланиш, сунъий равишда йўқотиш ва номувофиқ маҳсулот (брак)лар ишлаб чиқарилишини, ишлаб чиқаришдаги ҳатоликларни олдини олиш, ишлаб чиқариш жараёнидаги хавфсиз иш ўринларини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш линиялари самарадорлигини ошириш, иш вақти (up time)дан ва усқуналардан унумли фойдаланиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши фоизини ошириш мақсадида қуидаги:

- ишчи гуруҳлар ва тизим корхоналари раҳбарларидан йўналишдаги фаолиятини яхшилаш, самарадорликни ошириш ва маҳсулот таннарҳни арzonлаштиришга қаратилган, барча ижрочилар ва муддатлари кўрсатилган, тегишли тартибда тасдиқланган чора-тадбирлар режалари, графиклар ва уларнинг ижроси билан боғлиқ даврий ҳисботларни талаб қилиб олиш;

- чора-тадбирлар, иш режалари ва графикларнинг ижросини онлайн кузатувини олиб бориш ва заруриятдан келиб чиқиб, тегишли йиғилишларда қатнашиш;

- тақдим қилинган ҳисботлар ва маълумотлар ҳаққонийлигини текшириш учун жамиятда мавжуд тасдиқловчи хужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, бевосита ижрочилар, масъул ва бошқа алоқадор шахслар билан сұхбатлар ўтказиш, таҳлил ва ўрганишларни амалга ошириш;

- масъул ва бошқа шахсларнинг тасдиқланган тадбирлар ижросига таъсир қилиши мүмкун ёки вужудга келган тўсиқлар, ижро муддатларининг бузилишига оид хабарлари бўйича текширишлар ўтказиб, уларни олдини олиш ва бартараф этилишини чорасини кўриш.

### ***Маҳаллийлаштириши даражасини ўрганиб, лойиҳаларни ўз вақтида бажарилиши мониторинг қилинишида:***

- лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тегишли тартибда тасдиқланган чора-тадбирлар, улар асосида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича режалар, графиклар ижросини ўрганиб бориш;

- лойиҳаларини амалга оширилиши жараёнини элекрон дастурий таъминотлар ҳамда бошқа усуллар орқали доимий мониторинг қилиш;

- лойиҳаларининг ўз вақтида бажарилиши юзасидан бевосита ижрочилар, масъул ва алоқадор шахслар билан сұхбатлар ўтказиш, улардан керакли ҳисботлар, хужжатлар ҳамда бошқа маълумотларни сўраб олиш, шунингдек бевосита жойига борган ҳолда ўрганиш;

- лойиҳаларни молиялаштириш манбаалари, етказиб берувчилар тўғри танланганлиги ва харид жараёнини таҳлил қилиш;

- мутахассисларни жалб қилган ҳолда лойиҳаларнинг техник, иқтисодий жиҳатдан асослигини таққослаш орқали ўрганиш.

### ***Маркетинг, савдо ва сервис сиёсатини мониторинг қилишида:***

- жамиятда ягона маркетинг сиёсати юритилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш;

- жамият томонидан маркетинг бўйича хорижий ҳамкорлар стандарт талабларига риоя қилаётганлигини ўрганиб, натижалари юзасидан таклиф киритиш;

- эҳтиёт қисмлар савдоси жараёнини маҳсус электрон дастурлар орқали ўрганиш;

- ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисмларни дилер, тадбиркор ва бошқаларга сотиш жараёнида сунъий тақчиллик яратиш, турли тўсиқларни юзага келтириш ҳолатларини таҳлил қилиб бориб, бу каби ҳолатларни бартараф қилиш бўйича таклифлар бериш;- кафолат муддати даврида, сотувдан кейинги сервис хизматларини кўрсатиш бўйича стандарт талабларига риоя қилиниши, харидорларнинг шикоят ва талабларини ўз вақтида ҳаққоний кўриб чиқилганлиги ҳолатларини ўрганиш.

### ***Қўриқлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бартараф этишига кўмаклашиша:***

- жамиятда қўриқлаш фаолиятига ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш, қўриқлаш воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсатни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича самарали назоратни амалга ошириш;

- хавфсизлик техника воситаларини қўриқланаётган объектларга жорий этиш ва ўзлаштириш фаолиятини ташкил этиб, объектларни эҳтимоли мавжуд бўлган ҳуқуқбузарликлардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш учун уларнинг доимий кузатувини ташкил қилиш;

- қўриқлаш хизматидан кунлик вазият ҳақидаги маълумотларни олиб таҳлил қилиш, заруратга қараб келиб тушган ҳабарлар бўйича ҳақиқий ҳолатларни ўрганиш ва раҳбариятга таклиф киритиш;

- жамиятга ишчи-ходимлар ва бошқа шахслар, транспорт воситаларининг кириш-чиқиши тартибига риоя қилинаётганлигини ўрганиб бориш, бунда асосий эътибор корхона мулкини асраб-авайлаш, талон-торожлик ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишдан иборат бўлади;

- меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги таъминлаш бўйича талабларга риоя қилинаётганлигини ўрганиш.

### ***Бизнес жараёнларни рақамлаштириши соҳасида:***

- Комплаенс олдига қўйилган асосий вазифаларни амалга ошириш бўйича бизнес жараёнларни рақамлаштириш, маҳсус дастурий таъминотлар яратиш бўйича таклифлар киритиш;
- мавжуд дастурий таъминотлар ва электрон маълумотлар базаси асосида масофавий назоратни амалга ошириш;
- дастурий таъминотлар орқали корхона маблағлари ва ТМБ ҳаракати тўғрисида тегишли манбалардан олинадиган маълумотларни таҳлил қилиш асосида хуқуқбузарликлар содир этилиши хавфи мавжуд бўлган обьектларда профлактика ишларини олиб бориш;
- жамиятда кибер ҳавфсизлик (шу жумладан ахборот ҳавфсизлиги) чоралари кўрилганлигини ўрганиб бориш.